

Боғот тумани

2023 йил 19 май

Боғот туманлараро иқтисодий суди раиси, судья Б.Давлатов раислигида, судья  
ёрдамчиси И.Пирназаров котиблари раислигида, МК биносига очик сайёр суд мажлиси  
муҳокамасида,

МКнинг

**Даъвогар:** Дманфаатини кўзлаб

**Жавобгар:** Ждан 94 776 518 сўм асосий қарз, 18 955 304 сўм жарима ва 11 373 182  
сўм пеня, жами 125 105 004 сўм ундириш тўғрисидаги даъво аризаси бўйича ишни  
жавобгар вакиллари ЖВ(ишончнома асосида) кўриб чиқиб, қуйидагиларни

**а н и қ л а д и :**

МК (бундан кейинги матнда – кенгаш деб юритилади) Д(бундан кейинги матнда –  
даъвогар деб юритилади) манфаатини кўзлаб Боғот туманлараро иқтисодий судига даъво  
аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар Ж (бундан кейинги матнда – жавобгар деб  
юритилади)дан

94 776 518 сўм асосий қарз, 18 955 304 сўм жарима ва 11 373 182 сўм пеня, жами  
125 105 004 сўм ундиришни сўраган.

Бугунги суд мажлисининг ўтказилиш вақти ва жойи тўғрисида кенгаш ва даъвогар  
конунда белгиланган тартибда хабардор қилинган бўлсада, вакил иштирокини  
таъминламади.

Бундай ҳолда, суд ишни Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал  
кодекси 170-моддасига асосан кенгаш ва даъвогар вакили иштирокисиз кўриб чиқишни  
лозим топади.

Бирок, суд мажлисида иштирок қилган жавобгар вакиллари низо юзасидан тарафлар  
ўртасида медиатив келишув тузилганлигини маълум қилиб, суддан даъвони кўрмасдан  
қолдиришни сўради.

Суд ишда иштирок этувчи тараф вакилининг тушунтиришларини тинглаб ҳамда иш  
ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга кўра даъвони кўрмасдан қолдиришни лозим  
топади.

Ўзбекистон Республикасининг “Медиация тўғрисида”ги Қонуни 29-моддаси биринчи  
қисмига кўра, медиация тартиб-таомилини амалга ошириш натижалари бўйича тарафлар  
келиб чиққан низо ёхуд мажбуриятларни бажариш шартлари ва муддатлари хусусида ўзаро  
мақбул қарорга эришган тақдирда, тарафлар ўртасида ёзма шаклда медиатив келишув  
тузилади.

Шунга кўра, тарафлар ўртасида тузилган медиатив келишувнинг шартларига кўра,  
жавобгар томонидан даъвогарга асосий қарздорликнинг қолган қисмини 2023 йилнинг  
30 июнь кунигача тўлаш мажбуриятини олган.

Шунингдек, мазкур медиатив келишувга кўра, даъвогар жавобгардан даъво талаби  
бўйича ундириш сўралган жарима ва пенядан воз кечган ҳамда олдиндан тўланган почта  
харажати кенгаш зиммасида қолдирилган.

Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда  
ИПК деб юритилади) 107-моддасининг биринчи қисми 5<sup>3</sup>-бандига кўра, тарафлар ўртасида  
медиатив келишув тузилган бўлса, суд даъвони кўрмасдан қолдиради.

ИПК 131-моддасига кўра, тарафлар низо келишув битимини ёки медиатив  
келишувни тузиб ҳал этиши мумкин. Келишув битими ёки медиатив келишув даъво  
тартибидаги ҳар қандай иш бўйича тузилиши мумкин. Келишув битими иқтисодий суд  
ишларини юритишнинг ҳар қандай босқичида ва суд ҳужжатини ижро этиш жараёнида,

медиатив келишув эса биринчи инстанция судида суд алоҳида хонага (маслаҳатхонага) суд хужжатини қабул қилиш учун чиққунига қадар тарафлар томонидан тузилиши мумкин..

Тарафлар томонидан профессионал медиатор Абдулғафорова Одинабону Ойбек кизининг (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг МТ № 001310-сонли сертификат берилган) кўмагида 2023 йил 03 май куни медиатив келишув тузилган.

Шунга асосан, суд тарафлар ўртасида медиатив келишув тузилганлиги сабабли, даъвони кўрмасдан қолдиришни лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикасининг "Давлат божи тўғрисида"ги Қонуни 18-моддаси биринчи қисми 9-бандида, агар тарафлар ўртасида медиатив келишув тузилган бўлса, ариза кўрмасдан қолдирилганда давлат божи қилиши белгиланган.

Юқоридагиларни инобатга олиб, суд даъвони кўрмасдан қолдиришни, давлат божини ундирмасдан қолдиришни, почта харажатини кенгаш зиммасида қолдиришни лозим деб топади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ва Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси 107, 118, 128, 129, 131, 170 ва 195-моддаларини қўллаб, суд

**а ж р и м қ и л д и :**

МҚнинг Дманфаатини кўзлаб жавобгар Ждан 94 776 518 сўм асосий қарз, 18 955 304 сўм жарима ва 11 373 182 сўм пеня, жами 125 105 004 сўм ундириш тўғрисидаги даъво аризаси кўрмасдан қолдирилсин.

Почта харажати кенгаш зиммасида қолдирилсин.

Давлат божи ундирилмасдан қолдирилсин.

Мазкур ажрим устидан апелляция тартибида шикоят бериш (протест келтириш) мумкин.

**Судья**

**Б.Давлатов**